



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат

етакчиларининг сиёсий иродаси ва қатъий савъ-ҳаракатлари туфайли ўзаро ҳамкорликда эришилган ҳозирги юксак даражани катта мамнуният билан қайд этди.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб,

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда савдо, машинасозлик, энергетика, қазиб олиш саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, транспорт, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга

оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳудудлар ва бизнес даражасидаги фаол мулоқотлар ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурлари давом эттирилади.

Тожикистон Бош вазири икки давлат раҳбарларининг бўлажак саммитига биргаликда ҳар

томонлама тайёргарлик кўришга, шунингдек, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кенг қўламли шерикликни мустаҳкамлашга бор куч-ғайратини қаратишини таъкидлади.

ЎЗА

ХАЛҚИМИЗГА ХОС МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Айни кунларда халқимиз Рамазон ҳайитини тинчлик-хотиржамликда, шукроналик билан байрам қилмоқда. Ўзаро меҳр-оқибат янада ошиб, эҳтиёжманд оилаларга мурувват кўрсатиш, беморлар ҳолидан хабар олишдек савоб ишлар кўпаймоқда.

Шундай эзгу қадриятларимизга мувофиқ, Президент Шавкат Мирзиёев 14 май куни Тошкент шаҳридаги шифо масканларида бўлиб, у ерда даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига борди.

Бу марказ аҳолига гематологик ва трансфузиологик ёрдам кўрсатиш, шундай касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш, гематология соҳасида илмий изланишлар олиб боришга ихтисослашган.

Марказда юқори дозали ва интенсив полихимиотерапия усуллари амалиётга жорий этилган. Уткир лимфобласт лейкозларни даволашдаги янги ишланмалар натижасида беморларнинг ремиссияга чиқиши ва тўлиқ тузалиши 70-85 фоизгача етмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 10 февралдаги қарори гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, онкогематологик ва даволаш қўйин бўлган касалликларга чалинган шахсларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, 2020-2024 йилларда гематология соҳасини ривожлантириш учун 546 миллиард сўмдан зиёд ва қарийб 71 миллион

доллар миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда 91 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Бу маблағлар ҳисобидан шифохоналар дори воситалари, тиббий буюмлар, реактив ва реагентлар билан таъминланмоқда. Шунингдек, гематология хизмати моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашни такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Президент марказнинг шароитларини кўздан кечирди. Марказда 3 та бино бўлиб, 260 та ўринга эга. Ҳозирги кунда бу ерда 210 нафар бемор даволанмоқда. Шундан 42 нафари болалардир.

Давлатимиз раҳбари ушбу шифохона учун янги бино барпо этиш, унда Россиянинг Д.Рогачёв номидаги тиббий тадқиқот маркази тажрибаси асосида болалар онкогематологияси маркази ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берди. У ерда ўзақ ҳужайраларини донордан кўчириб ўтказиш — аллоген трансплантация йўлга қўйилди.

Президент шифохонада даволанаётган болалар ва уларнинг оналари билан суҳбатлашди.

— Гематологияда даволашни яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилдик. Лекин, бу ишлар ҳали етарли эмас. Бугун келишимдан мақсад —

сизларга янаям кўпроқ шароит яратиш, касалларни тезроқ оёққа қўйиш, даволаш кафолатини ошириш бўйича чораларни белгилаш. Сизлар ҳаммангиз — менинг фарзандларимсизлар. Ҳар куни кулиб туриб, ота-оналарингизга мадад бўлишларингиз керак. Албатта тузалиб кетаман, деган интилишингиз бўлиши керак. Биз бунинг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ота-оналар ва болаларни Рамазон ҳайити билан табриклади.

— Кўнгилашингиз бўлинмасин. Бир ўзларингиз эмассизлар. Ҳаммамиз ҳамдардимиз. Бу соҳада имкониятларни яхшилаш учун янги марказ қураимиз. У ерда оналар учун ҳам, болаларнинг ўқиши учун ҳам шароит бўлади, даволаш ҳам ўзгаради. Энг катта ниятимиз — тезроқ даво топиб, уйга, оилангиз бағрига қайтишингиз, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев болаларга меҳрибонлиги ва фидойийлиги учун марказ шифокорларига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюрди.

▶ Давами 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТИМИЗГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Музаффар КОМИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари

Президентимизнинг қарорига мувофиқ, халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини яққол ифода этадиган байрам — Ийд ал-Фитри муносиби нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол

топтириш мақсадида Рамазон ҳайити 2021 йил 13-15 май кунлари мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланмоқда.

Рамазон ҳайити муносабати билан давлатимиз раҳбари номига қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлган раҳбарларнинг кўпайиши билан давлатимиз раҳбарлари номидан қутловлар келиши давом этмоқда. Ўз ўрнида, Президентимиз томонидан



ҳам чет эл давлатлари раҳбарларига табриқномалар юборилди. Шунини алоҳида айтиш

лозимки, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Рамазон ҳайити табриги юртдошларимизни бениҳоя хурсанд қилди, барчамизга ҳақиқий байрам кайфиятини бахш этди.

Табриқда халқимизнинг бой ва қадимий диний-маънавий меросини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аجدодларимизнинг табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

▶ Давами 2-бетда

РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРДАН ҚУТЛОВЛАР

Ушбу қутлуғ айём кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий давлатлар етакчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, уламолардан бутун муслмон олами учун муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрик ва тилақлар изҳор этилган қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз табриқномаларида кўп миллатли халқимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилаб, Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги интилиши қатъий эканини тасдиқлаганлар.

Хусусан, куйидагилар ўз табриқларини йўллаган:

Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**
Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**

Қозғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Бирлашган Араб Амириклари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Қувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ал Сауд**

Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамад бин Исо Ал Халифа**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**

Тунис Республикаси Президенти **Қаис Саид**

Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима Ёқуб**

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Бирлашган Араб Амириклари Куроли кучлари Олий бош қўмондонини ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Қувайт Давлати валиаҳди **Мишаал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь Лун**

Ислам тараққиёт банки гуруҳи президенти **Бандар бин Муҳаммад Ҳамза Ҳажар**

Туркий кенгаш бош котиби **Бағдод Амреев**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳоди Сулаймонпур**

Кавказ муслмонлари идораси раиси шайхулислом **Оллоҳшуккур Пошшоода**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

ХАЛҚИМИЗГА ХОС МЕХР-ОҚИБАТ ВА ИНСОНЙЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Бошланғичи 1-бетда

Марказда 10 та даволаш корпуси бўлиб, 370 та ўринга эга. Бу ерда йилига 9 мингдан ортқ бе-морга стационар, 43 минг нафарига амбулатор тартибда хизмат кўрсатилмоқда.

Тошкент ва Кўкон шаҳарлари, Қорақалпоғистон ва вилоятларда марказнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирида палиатив ёрдам бўлимлари очилган. Илк бор, барча ҳудудий онкологик муассасалар жами 22 та замонавий нур терапияси ускуналари билан жиҳозланди. Тиббиёт маркази билан барча филиаллар ўртасида телемедицина амалиёти йўлга қўйилган. Сўнгги уч йилда тизимдаги 150 нафар мутахассис нуфузли хорижий клиникаларда давлат ҳисобидан малака оширган.

Беморлар учун энг қийини керакли дориларни топиш ва сотиб олишдир. Шу боис, бу борада давлатимиз томонидан ҳам кўмак кўрсатилмоқда. Онкология хизмати учун дори-дармон ва сарфлов воситаларига 2016 йилда 8 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб 62 миллиард сўмга етган.

Давлатимиз раҳбари марказда даволанаётган болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди. Болаларнинг орзу-ниятлари, катта бўлса қайси касбни танламоқчи экани билан қизиқди, уларга далда берди.

Президент билан учрашган болаларнинг орзулари бир олам. Масалан, Қорақалпоғистон

Республикаси Хўжайли туманидан келиб даволанаётган Бунёдбек Ўролбоев 10 ёшда. Онаси унинг дилидаги сўзларини Президентга етказди, яққо ягона ўтинчи ўғлининг шифо топиб кетиши эканини маълум қилди. Давлат раҳбари ушбу улуг айём кунларида энг катта мақсад — бу ердаги барча болалар соғайиши эканини, бунинг учун ҳамма шароит яратилишини айтди.

Асака туманилик Розия Бозорбоева ёш бошига тушган дард сабаб шифокор бўлмоқчилигини, Андижон тиббиёт институтига кириб ўқиш нияти борлигини билдирди. Шавкат Мирзиёев шу ерда мутасаддиларга топшириқ бериб, бу қиз Президент ҳисобидан институтга ўқишга қабул қилинганини айтди.

Чуст туманида яшовчи Сабина Инсофалиева 17 ёшда. У тумандаги 41-мактабда ўқийди, аммо дард сабаб икки йил ўқиши қолиб кетган. Сабина тузалиб чиқса, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими бўлиш орзуси борлигини билдирганда, ҳамма чапак чалиб юборди. Афсуски, шифокорлар бу қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўнг оёғини кесилга мажбур бўлган.

Президент Марказинг болалар бўлими бошлиғи Тожиддин Мустафоевдан Сабинанинг саломатлиги ҳақида сўради. Энг ривожланган давлатлардан протез олиб келиб қўйдиришга, унинг соғлиғини шахсан назоратга олишга ваъда берди.

— Бу қизим албатта йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими бўлади, ўқишига ҳозирдан ғамхўрлик қиласизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидан келган Райхона Раупова 10 ёшда. Отаси Раҳмонберди аканинг айтишича, қизи Президент мактабда ўқимоқчи. Давлатимиз раҳбари бу йил Самарқандда ҳам Президент мактаби очилишини, Райхона албатта унга кириб ўқишини айтди.

— Бу бир синов. Ана шу синовлардан бардош билан ўтиб, тезроқ соғайиб, уйга қайтсаларингиз, ҳаммамиз хурсанд бўламиз. Мен болалар, ёшлар ҳақида кўп гапираман, уларга катта умидлар боғлайман. Илоҳим, мана шу болаларнинг ҳам касаллиги эсдан чиқиб, халқимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етишсин. Улуг айём кунларида Хулудан шунги сўраймиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Президент болалар ва уларнинг ота-оналари билан бирга суратга тушди. Давлатимиз раҳбари номидан болаларга совғалар топширилди.

Шу ерда онкология тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент марказнинг ҳозирги имкониятлари етарли эмаслигини таъкидлаб, Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида Республика онкология марказининг янги биноларини барпо этиш бўйича топшириқ берди.

Касалликларни эрта аниқлаш мақсадида мобил бригадалар тузиб, хавф ҳуррига кирувчи аҳоли учун профилактик кўриклар ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудга мобил маммографлар ва позитрон-эмиссион томографлар қамқаб берилди. Саратон касалликларини эрта аниқлайдиган лабораториялар ташкил этилиб, махсус онкомаркерлар текширувлари йўлга қўйилди.

Иккинчи асосий масала — даволаш сифатини ошириш. Шу мақсадда жойлардаги онкология ва гематология шифохоналарини таъмирлаб, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали мутахассисларни жалб қилиш вазифаси белги-

ланди. Касаллик оқибатида оёқ-қўли ампутация бўлган беморларни протез маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоят ҳокимлари, шифокорлар ўз ҳудудларида онкологик ва гематологик касалликларни даволашни яхшилаш бўйича таклифларини билдирди.

Мазкур барча вазифа ва таклифларни инобатга олган ҳолда, онкологик ва гематологик касалликларни даволашни тубдан ўзгартириш бўйича Президент қарори қабул қилинадиган бўлди.

Видеоселектордан сўнг, давлатимиз раҳбари Тошкент тиббиёт академияси ҳудудига бориб, Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази биноси учун мўлжалланган жойини кўрди. Янги бинони Жанубий Корея тажрибаси ва лойиҳаси асосида қуриш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Тепакўрғон маҳалласи ҳаёти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча чора-тадбирлар маҳаллалар кесимида амалга оширилишини таъкидлаган эди. Мутасаддиларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, “ўсиш нукталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифаси қўйилган.

Тепакўрғон маҳалласи ҳам шу тарзда обод қилинган. Бу ерда 30 та кўп қаватли уй бор, 6 минг 150 нафар аҳоли яшайди. Иккита 100 ўринли мактабга ҳам таълим муассасаси, битта иختисослаштирилган мактаб-интернат фаолият юритмоқда.

Маҳалладаги йўлақлар, дарахтзорлар обод қилинган. Болалар ўйингоҳлари ташкил этилиб, спорт қурилмалари ўрнатилган.

40 та кичик бизнес субъектида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Яқинда бу ерда яна бир ишлаб чиқариш корхонаси — “Euroasia print” босмахонаси қуриб битказилди. Унда 60 дан ортқ иш ўрни яратилди. Шавкат Мирзиёев ушбу корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш режалари тақдимоти ўтказилди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда нуронийлар Рамазон ойи рўзасини шукроналик билан тутганини, юртимизга тинчлик-фаровонлик сўраб дуолар қилганини айтишди.

— Мана шу шукроналикни, инсоф сари барака эканини халқимизга, ёшларимизга етказиш керак. Ўз маҳаллангизда кўриб турибсизлар. Мана, интилса, қилса бўлар экан-ку. Бундай ўзгаришларнинг энг катта замини — юртимиздаги тинчлик-осойишталик. Бунинг қадрига етиб, ҳар бир маҳаллани мана шундай чиройли, тартибли қилишимиз зарур. Баландпарвоз гапсиз, меҳнатимиз билан халқимизни рози қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари хорижий тилларни ўргатиш маркази фаолияти билан ҳам танишди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, УзА мухбирлари

ФАРМОН ВА ИЖРО

АФВ ИНСТИТУТИ

адашганни тўғри йўлга солиш, оилаларга тўқислик, кемтик кўнгишларга шодлик олашиш имконияти

Шу кунларда юртимизда, хонадонларда Рамазон ҳайити кенг нишонланмоқда. Бу байрам кунлари халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, бағрикенглик ва кечиримлилик каби эзгу фазилатлари янада намоён бўлади.

Президентимизнинг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгишдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони айнан ушбу улуг айём кунлари арафасида эълон қилиниши бунинг ёрқин тасдиғидир. Унга мувофиқ, қилмишига чин кўнгишдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 100 нафар фуқаро афв этилди. Бу хушхабар қанча-қанча оилаларга қувонч олиб кирди, ота-она меҳридан мосуво яшаётган кўплаб болаларнинг бағри бот бўлди.

— Шу ўринда, кимларга нисбатан афв қўлланилади, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавобан шунини айтиш лозимки, ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган, буткул тузалиш йўлига ўтган, оиламга, халқимга хизмат қиламан, дея ўз олдига қатъий мақсад қўйган шахсларга нисбатан бу имконият берилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шўҳрат Чўлпиев.

— Бунинг учун бу борада қилинган барча муружаатлар жойларга чиққан ҳолда синчиқлаб ўрганилади, ҳар бир муружаатчи билан алоҳида суҳбат ўтказилади. Улар билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиқда иш олиб боради. Мақсад битта — афв этилган шахслар оилада, ҳаётда ўз ўрнини топсин, маҳаллада, жамиятда тинчлик-тотувлик муҳити барқарор бўлсин.

Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 43 нафари муддатидан илгари жазони ўташдан шартли равишда озод қилинди, 10 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 44 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 12 нафари чет эл фуқаролари, 4 нафари 60 ёшдан ошган эркаклар, 6 нафари аёл, 52 нафари таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслардир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзи, балки фарзандлари, ота-онаси, қавм-қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши фарзандларини ўз меҳридан мосуво қилади, ота-онасини ҳам айрилик ва изтиробга мубтало қилади. Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, бу қанча-қанча оилаларни янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир. Бу имконият юксак қадрламоқ, билдирилган ишончни оқламоқ улкан масъулиятдир. Афв этилганларнинг барчаси буни чуқур англаб, ҳаётнинг қадрига етишга интилаётганини қувонарли.

— Панжара ортида ўтган йилларда озодлик қанчалар улуг незмат эканини, оиланинг ўрнини чуқур англадим, — дейди афв этилганлардан бири. — Меннинг ортимдан фарзандларим, набираларим ҳам азият чеқди. Қўлган ишимдан чин дилдан пушаймонман. Бошқа бундай номақбул йўللارга асло қадам босмайман. Менга берилган бу имкониятни юксак қадрлайман, оиламга суянчиқ, болаларимга бош-қош бўламан. Халқимга ҳалол хизмат қиламан.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

МУНОСАБАТ

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТИМИЗГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Жумладан, Қашқадарё вилоятида калом илмининг атоқли намояндаси Абу Муин Насасий, Наманган вилоятида тасаввуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик мажмуалари бўнёд этилгани, кўплаб масжид, мадраса ва диний обидалар қайта қурилаётгани ёки таъмирланаётгани, пойтахтимиздаги Ислоом цивилизацияси маркази қурилиши ҳақида тўхтаб ўтилди. Айниқса, муборак Рамазон ойида буюк Имом Бухорий ҳазратларининг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик мажмуасини мутлақо янги, замонавий ҳолда барпо этишга тамал тоши қўйилганиги барча юртдошларимизга қувонч бағишлагани эътироф этилди.

Шу билан бирга, Президентимиз бугунги шиддатли замон мафқураси, айниқса, дунё миқёсида тобора кескин ва шафқатсиз тус олаётган рақобат, барқарорликка нисбатан таҳдидлар, фарзандлар тарбиясидаги доимий хушёрлик ва огоҳлик масалаларига ҳар қачонгидан ҳам жиддий аҳамият бериш лозимлигини қайд этди. Албатта, ҳар биримиз бундан чуқур ҳулоса чиқаришимиз зарур.

Муборак Рамазон ойи давомида Президентимизнинг 2021 йил 8 апрелдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда фаолият юритаётган 2090 та масжиддан 2046 тасида белгиланган қатъий санитария-гигиена талаблари асосида тарових намозлари адо этилди. 1384 тасида хатми Куръон ўқилиб, 30 дан зиёд жомъе масжидида ўтказилган хатилар интернет орқали онлайн намойиш этилди. Тарових намозларида ҳар кунни ўртача 600 мингга яқин намозхон иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда диний маърифат соҳасида ҳам инновацион усулларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги Колл-марказ Рамазон ойи давомида улуксиз фарқат кўрсатди. Фатво бўлими томонидан Тошкент ислом институти ва Кўкалдош ўрта махсус билим юрти мутахассислари билан ҳамкорликда фақат рўза ибодатига оид саволларга 24 соат давомида жавоб берадиган Ахборот канали — Колл-марказ фаолияти ташкил қилинди.

Рамазон ойидаги тарғибот тадбирларидан энг муҳими, бу албатта, ифторликларни аҳоли томонидан ихчам, ифсроғарчиликсиз, миллий қадриятларимизга мос ўтказиш масаласидир. Диний соҳа ходимлари томонидан мазкур масалани тарғиб этиш бўйича кўплаб маърифий ташвиқот ишлари олиб борилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ишлаб чиқилган Рамазон ойига мос мавзулардаги жума тезисларида ҳам ушбу мавзу билан бир

қаторда жойларда нарх-навоининг сунъий оширилишининг олдини олиш бўйича атироғлича тушунтириб борилди.

Одатда, Рамазон ойи ўзининг хайрия тадбирларига бойлиги билан ажралаб туради. Халқимиз қадриятига кўра, бу айта инсонлар янада саҳий, янада мурувватли бўладилар. Муборак ой давомида имом-хатиблар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлигида “Саховат”, “Мурувват” ва “Меҳрибонлик” уйлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ноғиронлар, ёлғиз кексалар, “Меҳр” дастури орқали олиб келинган фуқаролар ҳамда 23,5 мингдан зиёд кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга ҳомиёлари жалб қилган ҳолда, моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бундан ташқари, “Вақф” хайрия жамоати фонди томонидан ҳам 5,2 миллиард сўмликдан зиёд хайрия ишлари амалга оширилди.

Ой давомида телеканаллар орқали йирик диний уламолар, имом-хатибларнинг Рамазон суҳбатлари, шунингдек, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Анвар қури Турсуновнинг маърифий суҳбатларидан иборат кўрсатувлар ифторлик ва саҳарлик вақтларида намойиш этилди, радиозинтиришлар берилди. Бу, ўз ўрнида, ҳамюртларимиз томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг зиёрат туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Туркиянинг TRT телеканали билан ҳамкорликда Тошкентдаги Ҳазрати Имом, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуалари каби 30 та йирик зиёратгоҳларимиз, шунингдек, аллоларимиз мероси ҳақида телекўрсатувлар ташкил этилди.

13 май куни юртимизнинг 2021 та масжидида 2 миллион 576 минг юртдошимиз Республика махсус комиссияси томонидан белгиланган талабларга тўлиқ ривож қилинган ҳолда хайит намозини адо этди. Хайит намози маърузаларида сўнгги йилларда дин соҳасидаги илмий ўзгаришлар, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва уни асраб-авайлаш, хайит кунлари қарантин талабларига ривоз этиш каби мавзулар ёритилди.

Шунингдек, Рамазон ҳайити маърузаларида имом-хатиблар томонидан Президентимизнинг байрам тағриғи мазмун-моҳияти юртдошларимизга етказилди. Унга кўра, бугунги кунда кенг қўламли ислохот ва туб ўзгаришлар натижасида янгилик билан бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилаётганини, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишлар янги Ўзбекистонни барпо этиш, юртимиз

равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамохан бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу ғоялар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди. Юртдошларимиз томонидан эл-орт тинчлиги, мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, олиб борилаётган эзгу ишларга муваффақият тилаб, дуолар қилинди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда юртимизда ички туризмни ривожлантиришга алоҳида ургу берилмоқда. Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Туризм ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда Хайит муносабати билан дам олиш кунлари этиб белгиланган 13 майдан 15 майгача барча зиёрат туризми объектлари қарантин талабларига тўлиқ ривож қилинган ҳолда, зиёратчилар учун тайёрлаб қўйилди. Юртимиздаги 836 та муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳ, хусусан, “Вақф” фонди тасарруфидида 189 та зиёратгоҳда ташриф буюрувчилар учун имтиёзли чегирмалар жорий этилди.

Дарҳақиқат, бу йилги Рамазон ҳайитининг шуқуҳи ўзгача бўлди. Давлат ташкилотлари ва жамоатчилик ўзаро ҳамжиқатлигини намоён этди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси тулақонли амалга оширилди.

Яна бир эътиборли масала. Маълумки, юртимизда ўн олти диний конфессияга тааллуқли бўлган 136 дан ортқ миллат ва элатлар ўзаро аҳил-инок ва тинч-тотув яшаб келмоқда.

Хайит байрами муносабати билан мамлакатимизда фаолият юритаётган диний конфессиялар, жумладан, Рус православ чerkови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари, митрополит Викентий, Ўзбекистон Рим-католик маркази раҳбари, епископ Ежи Мацупевич, Тошкент шаҳар Арман апостоллик cherkови раҳбари, руҳоний Арамаис Григорян (Ованнес ота), Тошкент шаҳар Яхудиёлар диний жамоаси раиси Аркадий Исхабаров ва Ўзбекистон Библия жамияти конфессиялараро мулоқот бўйича директори Холматилар Аширов Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ташриф буюриб, муфтий Усмонхон Алимов билан учрашдилар ҳамда барча мусулмонларни Хайит байрами билан самимий табриқлаб, Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик тиладилар.

Меҳр-оқибатли, саховатли халқимизга, тинч-осойишта юртимизга мана шундай байрамлар ярашади. Бинобарин, бунинг шукронасини қилиш, янги бунёдкорлик ишларида бирдам бўлиш бугун барчамизга ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

ТАДБИРКОРГА КЎМАК БЕРИЛСА,

У ЯНА ЎН КИШИНИ ОРТИДАН ЭРГАШТИРАДИ

“Тиқиш-бичиш қўлимдан келади. Кредит олишга ёрдам берсангиз, ўз тавқушлик цехимни очардим”.

Беруний тумани тўртинчи сектор раҳбарига шу мазмунда мурожаат келиб тушди. Мурожаат муаллифи Саломат Бойжанованинг иши тезда қўриб чиқилиб, банкдан 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга амалий ёрдам берилди. Натижада у нафақат ўзини, балки “Ёшлар дафтари”га киритилган яна 4 нафар қизни ҳам иш билан таъминлади.



Атрофимизда икки хил тоифадаги инсонлар бор. Кимлардир бор имкониятларини ишга солиб, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашиб яшайди. Баъзилар эса умрини бошқа бир киши шароит яратиб беришини кутиб ёки нолиш билан ўтказишади. Саломатга ўхшаган ёшлар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз тақдирини кураётгани фикримизга яққол далилди.

Жорий йил 12 майда Президентимиз раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорадаги кўрсат-

10 нафар фуқаро ишга қабул қилинди. Корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ҳозирда 4 миллион АҚШ долларлик инвестиция киритилди. Бу лойиҳа йилнинг иккинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган. 253 нафар хотин-қиз касбга ўқитилди. Уларнинг 70 нафарини 4-сектордаги тартибга солиш бўлими қўриб чиқариш бўлими билан кўрсатилди. Учинчи чорада лойиҳа ишга туширилиши билан корхона томонидан яна 1200 та янги иш ўрни яратилади. Жамият томонидан ўтган йили ташқи бозорга 1200 тонна, яъни 4 миллион 503 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди.



кичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йўналишида айнан шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий комплексга кирувчи ташкилотларга дастурларда ишлаётган тадбиркорлик субъектларига фаолиятини жонлантириш учун кўмаклашиш вазифаси қўйилди. Май-июнь ойларида оилавий тадбиркорлик дастурларига 1,6 триллион сўм маблағ ажратилиши, бу орқали камиди 30 минг фуқарога даромад манбаи яратиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, ҳудудий дастурлар доирасида 13 мингта, бўш ер участкаларини сотиш орқали 5 мингта, Бандлик, Хотин-қизлар ва Ёшлар жамғармалари ҳисобидан қўшимча 10 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш ва иш билан таъминлаш борасида манзилли ишлар олиб бориляпти.

ҲУДУДДАГИ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Беруний туманининг 4-сектор ҳудудда жами 9 маҳалла ва 3 овул фуқаролар йиғини мавжуд. Ҳудуддаги “Беруний текстил инвест” масъулияти чекланган жамиятида, асосан, ип-калага маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Эътиборлиси, корхонада ишлаб келаётган 385 нафар ишчи-ҳодимдан 111 нафарини айнан тўртинчи сектор ҳудудда истиқомат қилувчи ёшлар ташкил этади.

— Мазкур жамият тумандаги йирик корхоналардан бири, — дейди Беруний тумани ДСИ бошлиғи Анвар Кенжаев. — Жорий йилнинг биринчи чорагида “Темир дафтар”га киритилган яна

дафтари”да рўйхатда турувчи фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Унда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 94, тадбиркорлик соҳасида 207, ўзини ўзи банд қилиш соҳасида 204, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида 71, мутахассислиги бўйича 100 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш ҳамда имтиёзли кредит олиш истагида бўлган 83 нафар ёшга 1 миллиард 820 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, 57 нафар ёш касб-хунарга ўрганишга қизиқиш билдирган. Шу кунгача уларнинг 197 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 321 нафар ёшга “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси асосида ер майдонлари ажратиб берилди. 22 ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар олишда ёрдам кўрсатилди. 10 нафари касб-хунарга ўқитилиб, уларга махсус сертификатлар топширилди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ УСТУВОР МАСАЛА

“Чордора” МФЙда ўз тадбиркорлик фаолиятини ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган Динара Исмолова олдин “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турарди. Тўртинчи сектор ёрдами билан имтиёзли кредит олиб, қандолатчилик цехи очди ва яна 4 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади.

Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Жавоҳир Қудирёв ўзининг меҳнатсеварлиги билан тенгқурларидан ажраллиб турса ҳам, негизда омади келмаётганди.

— Сектор томонидан менга имтиёзли кредит олишга кўмак берилди, — дейди Жавоҳир. — Ушбу маблағга зотдор қора моллар олиб, ўзимни ўзим банд қилдим ҳамда даромад топа бошладим. Шу орқали “Ёшлар дафтари” рўйхатидан чиқдим. Молларим кунига 14-15 литр сут беради. Уни сотиб, оиламга ҳам даромад келтиряпман.



ҳисоблаш, ҳисоботларни тўғри тўлдириш ҳамда имтиёзли кредит маблағларини олишда яқиндан кўмак бериб келинмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЕНГАЙСА, ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОРТАДИ

Тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳити яратилиши сектор ҳудудида ҳам ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпайишига замин яратилди. “Қосбулақ” МФЙ ҳудудидаги “Элбрус есиклери” МЧЖ бунинг амалий мисоли. Дастлаб, ишни фақат ёғочдан эшик ясаш билан бошлаган тадбиркор ишбилармонлар учун яратилган шароит, қулайлик ва имтиёزلар боис, корхонасини янада кенгайтиришга эришди. Бугунги кунда бу ерда жами 80 киши доимий иш ўрнига эга. Миллий ва хорижий андозалар асосида ишлаб чиқарилган турли эшик ва темир дарвозаларни қўриб, кўзингиз қувнайд. Бежиримлиги ва дизайни чет эл брендларидан қилишмайди.

— Корхонамиз 2018 йилда иш бошлаган, — дейди тадбиркор Баҳодир Алламуратов. — “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи 7 нафар аёл ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган 6 нафар ёшни ишга олдим. Ҳозирда 300 дан ортиқ турдаги эшик, темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқарилди. Яқинда Хитойдан янги ускуналар олиб келдик, мебель маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ушбу лойиҳамиз ишга тушиши билан 40 та янги иш ўрни яратилди.

Нукус шаҳридаги энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланган “Конкрет бюл” МЧЖда 72 киши меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари юртимиздаги қурилиш корхоналарига etkazиб бериляпти.

Бу ерда “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчиларнинг 25 нафари 3 ойлик ўқув курсларида касб-хунарга ўқитилмоқда. Бундан қўзғалган мақсад уларга қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини амалий усулда ўргатишдан иборат.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ДА РЎЙХАТДА ТУРГАНЛАРГА ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАШГА КЎМАК

“Бўзовул” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу йил ёшларга эътибор ҳар қачонгидан кўпроқ. Айни пайтда маҳаллада шакллантирилган “Ёшлар дафтари”да ҳар бир йигит-қизнинг оруз-нияти, муаммо ва ташвишлари ўз ифодасини топган, десак янглишмаймиз. Муҳими, уларга зарур ёрдам кўрсатиш чоралари қўрилади. Масалан, дафтарда рўйхатда турган Миратдинга иссиқхона қўриб берилди. Ерга меҳр қўйган ёш деҳқон иссиқхонасида помидор, бодиринг етиштириш ва уни сотиш орқали оиласига қўшимча даромад келтиришни ният қилган.

“Қумбиз овул” МФЙдаги “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тикув машиналари ҳамда ҳар бир хонадонга 10 тадан товуқ берилиб, ўзини ўзи банд қилишларига кўмаклашилмоқда. Айзада Асеновага олдинда чорва молларини боқиб учун имтиёзли кредит олишга амалий ёрдам берилган бўлса, оиласига қўшимча даромад манбаи сифатида 10 та товуқ топширилди.

— Уйда ўтириб ҳам ўзини ўзи банд қилса, даромад топса бўлар экан, — дейди Айзада. — Олдин бунга ишонмасдим, энди ўзим гувоҳ бўляпман. Имтиёзли кредит олиб, уйда чорвачилик билан шуғулланаётган эдим. Яқинда менга яна 10 та товуқ берилди. Энди ушбу товуқларни қўлайтириб, қўшимча маблағга эга бўламан...

Юртдошларимиз ҳаётидаги ўзгаришларга доир бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Уларни умумлаштириб турадиган жиҳат шундаки, тадбиркорлик қилишга, ўз ишини йўлга қўйишга интилган ҳар бир кишига кўмак берилса, у бошқаларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, ишбилармон бир киши оёққа туриб олса, у яна ўн кишини ўз ортидан эргаштиради. Ўйна шунча қамқилишга ёки маҳалладошини ишли қилади. Бу эса камбағалликни қисқартириш, демек, аҳоли даромадини ошириш, фаровонликка эришишининг энг самарали йўлидир.

МЕРШЕВА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ВА ҲУҚУҚЛИК АХБОРОТ ШЎЪБАСИ БОШЛИГИ, СОҲИБА МУЛЛАЕВА, “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МУХБИРИ

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



ШОДИЁНАЛИКЛАРНИНГ ШОДЛИГИ ЧЕКСИЗ

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Фарғона шаҳридаги “Шодиёна” маҳалласида Президентимиз ташаббуси билан бошланган қурилиш, ободончилик ишлари кўҳна масканга янгиликка, кўрк бағишлади.

Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчи ёшлар, унум билан ишлаётган қудратли техниклар кўмаги билан сувсиз ариқларга обиҳаёт келди, йўллар текисланиб асфальтланди, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш маҳмуалари қад ростлади.

Шу кунга қадар Соҳибқирон Темур, Тиниксой, Мангулик кўчаларидаги 308 та электр таянч устуни, 3 та трансформатор алмаштирилди, 7,8 километрлик янги электр узатмалари тортилди. Натижада юзлаб оилаларнинг электр таъминоти билан боғлиқ муаммолари ҳал бўлди. Йўл қурилиш бошқармаси томонидан 2,2 километр оқова сув йўлига лоток-ариқлар ўрнатилди.

— Бу ерда 200 метрдан ортиқ масофага бетон ариқлар ётқизилди, — дейди Бешарик тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси устаси Омжон Туронов. — Белгиланган ишларни мумкин қадар тезроқ ва сифатли бажаришга ҳаракат қилияпти. Юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишларга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз.

Аҳолини йиллар мобайнида қўйиб келаётган маиший муаммолар ҳам бартараф этилмоқда. Хусусан, узунлиги 12 километр бўлган ички йўллар асфальтланди, 18 та кўп қаватли уйнинг ташқи қўриниши мукамал таъмирланди, 15 километр масофага марказий канализация тармоқлари тортилди. 254 та хонадонли 14 та кўп қаватли уйга 950 метрдан ортиқ тоза ичимлик сув тармоқлари келтирилди.

УЙИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИНГ...

Кириш йўлаклари ва ташқи қўриниши таъмирланган, сув, газ, электр таъминоти яхшилانган кўп қаватли уйлар, ҳовлиларда яшаётган аҳоли ўзгаришлардан мамнун.

— Ёмғир ёғса, уйимиз тойдан чакка ўтиб кетарди, — дейди Форобий кўчаси, 25-уйда истиқомат қилаётган Насибхона Алминова. — Мавжуд муаммолар юзасидан жуда кўп жойларга мурожаат қилганмиз, натижа бўлмаган. Президентимизнинг маҳалламизга келиб, аҳоли билан қилган юзма-юз, самимий мулоқоти туфайли йиллар давомида йиғилиб қолган кўпжаб муаммоларга ечим топилди. Хусусан, уйимизнинг томи мукамал таъмирлаб берилди. Тартибсиз қуриб ташланган автогаражлар олиб ташланиб, ободончилик, аҳоли билан эмин-эркин ишлаши учун керакли бўлган шарт-шароитлар яратилди. Янги бинонинг биринчи қаватида маҳалла йиғини ҳамда кексалар дам олиш маскани, иккинчи қаватидан эса аёллар маслаҳатхонаси жой олади.

— Давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга қўйган ташрифи аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалаларга ечим топиш имкониятини берди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ишлар бўйича ўринбосари Арофат Мақсудова. — Маҳалла йиғини учун бино, ичимлик сув, электр энергия таъминоти борасида жуда кўп жойларга мурожаат қилганмиз. Лекин турли баҳоналар билан масалалар ижобий ечим топилмаганди. Энди ҳамма муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли муаммоларини “маҳаллабай” ҳал этиш мақсадида “Темир дафтар”даги 7 та оила, “Аёллар дафтари”га киритилган 44 нафар аёл ва “Ёшлар дафтари”даги 52 нафар ёшни имтиёзли субсидия билан таъминлаш, иссиқхоналар қўриб бериш, касб-хунарга ўқитиш борасида амалий ишлар олиб бориляпти.

“Шодиёна” Фарғона шаҳрининг қоқ марказида жойлашган маҳалла. Бу ерда 6700 нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилади. Маҳалла аҳли Президентимиздан чексиз миннатдор.

Хуллас, эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган улғур ишлардан шодиёналикларнинг шодлиги чексиз, руҳияти банд.





Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Май ойи бошланиши билан оммавий ахборот воситаларида полиз маҳсулотлари пишгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлади. Бу йил ҳам ана шундай илк мудда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан келди. Эрта ҳосил етиштиришнинг ўзига хос мактабини яратган Ҳатамайли қишлоғи миришкорлари етиштирган қовунлар сотувга чиқарилган. Эрта-индин уларнинг экспорти ҳам бошланади.



Деҳқон Руфат Бүриевнинг айтишича, бу йил томорқасига қовуннинг эртапишар "Дакура" нави эккан. Ҳосил май ойининг бошида пишиб етилди. "Хар бир ишда ва сотишда пишқ бўлсак, даромадимиз яхши бўлади" дейди у.

Оддий сўзлар замирида катта маъно мужассам, десак муболағга йўлманг. Чунки чироқчиликларда кейинги пайтларда азалий нақлга қўра, нима эксанг, шуни ўрасан, қабилида эмас, балки қанча эрта етиштирсанг, шунча кўп фойда қўрасан, тарзда меҳнат қилиш иштиёқи ортоқда. Энг муҳими, кучайиб бораётган рақобат шароитида имкон қадар янгилаш иш юритиш даромадига буромад келтиришини яхши билишда ва шунга амал қилишга интилишда.

Одатда, Чироқчининг тарвузлари ҳам май ойи ўрталарида келиб савдо расталарини эгаллаб бошлайди. Туман ҳокимлиги матбуот хизматининг маълумотига қараганда, айни пайтда 385 та фермер хўжалиги ва 600 га яқин томорқа эгалари 14 минг гектар майдонда тарвуз, минг гектар ерда қовун етиштироқда. Мисол учун, 2019 йилда 25 минг тонна тарвуз экспорт қилинган бўлса, ўтган йилда кўрсаткич тўрт баробардан ошган. Бу йилги марра 125 минг тонна.

Хуллас, юртимизда пишқчилик даври бошланганди. Бу мавсум давомида инсоннинг узоқ умр кўриши учун сабзавот ва полиз маҳсулотларини етарли миқдорда истеъмол қилишга ҳам замин яратди. Шу боис, уларни етиштириш ҳажмини кескин ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси ва тегишли қарорлари асосида пахта экиладиган майдонлар йилдан-йилга қисқартирилиб,

ушбу ерлар мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ажратилмоқда. Бу — биринчидан, аҳолини витаминга бой хар хил мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан, ёғ-мой саноати учун ноъёнавий хомашё етказиб беришга хизмат қилади.

Бу гал ушбу масаланинг яна бир узвий жиҳати бўлган юртимизда сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғини қайта ишлаш ва улардан мой олиш йўналиши эътиборимизни тортиди. Хўш, бу борадаги бугунги аҳвол қандай? Мавжуд имкониятлар ишга солинса, фойдани нечоғлиқ ошириш мумкин бўлади?

Ушбу саволлар жавобига ўтишдан олдин айни кунларда жамоатчилик диққат марказида турган ўсимлик ёғи нарх-наво-си буйича кечаётган жараёнларга назар ташлаш фойдадан холи бўлмайд.

ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ БАҲАҚОРЛАШМОҚДА (МИ?)

Кейинги пайтда жаҳон бозоридида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бораётган. Хусусан, ўтган йили дунё бозоридида ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг пул-кредит сийсати буйича шарҳида қайд этилишича, юртимизда ёғ ва мой маҳсулотларининг нархи ўртача 26,9 фоизга ўсган.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан изоҳ берилишича, шу йил апрель ойида юртимизда ўсимлик ёғининг ўртача нархи 16 271 сўмини ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 451 сўм ёки 50 фоиз ошганини аниқлатади. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотига

қўра, ўсимлик мойлари индекси жаҳон миқёсида 81 фоизга ошган.

Ўзбекистонда кейинги пайтлар ўсимлик мойи нархини баҳарқорлаштириш юзасидан қатор чоралар кўрилди. Хусусан, 2021 йил 29 апрель кунин Президентимиз имзоси билан "Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Ушбу ҳужжат билан Солиқ кодексига қўшимчалар киритилди. Унга қўра, 2021 йил 1 майдан 31 декабргача куйидагилар назарда тутилди:

— ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек, соя данагини олиб кириш, ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёғи) реализация қилувчи корхоналар ҚҚСдан озод қилинди;

— кунгабоқар уруғи ва хом пахта, кунгабоқар ёғи ва пахта ёғи маҳсулотларига экспорт божхона тўловлари киритилди;

— тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг 50 фоиздан кўп бўлмаган қисмини экспорт қилишга рухсат этилди.

Мазкур чоралар тез орада ўз натижасини кўрсатди. Ўтган ҳафтада ўсимлик ёғи нархининг 1,5 фоизга, бир ҳафта олдин эса 5 фоизга пасайиши кузатилди. Бу озиқ-овқат бозоридида ўсимлик ёғи нархи баҳарқорлашга таянгандалоқ беради.

— Мамлакатимизда 240 дан ортқк ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди "Ўзғойсаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Қамариддин Серкаев. — Бугунги кунда ушбу корхоналарнинг асосий хомашёси пахта чигити бўлиб, йилга ўртача 1,2 миллион тонна техник пахта чигити қайта ишланади ҳамда 200 минг тонна атрофида пахта мойи ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, йилга ўртача 200-250 минг тонна соя ва кунгабоқар доғлари қайта ишланади, 80 минг тонна атрофида ўсимлик мойи аҳоли истеъмоли учун етказиб берилмоқда.

Демак, мамлакатимиз аҳолисининг ўсимлик ёғига бўлган йиллик талаби 475 минг тонна бўлгани ҳолда, унинг 55 фоизи ёғ-мой корхоналари томонидан таъминланмоқда, ички бозор эҳтиёжининг 45 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Аслида, мавжуд қувватлар эҳтиёжини тўла қоплаш имкониятига эга бўлиб, йилга 425 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариши мумкин.

“ БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР 192,3 МИНГ ГЕКТАР АСОСИЙ МАЙДОНГА МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЭКИЛДИ ВА БУ БОРАДАГИ ПРОГНОЗ КўРСАТКИЧИ 81,2 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 121,6 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНГА СОЯ, 39,2 МИНГ ГЕКТАРГА КУНГАБОҚАР, 30,8 МИНГ ГЕКТАРГА КУНЖУТ ВА 69 МИНГ ГЕКТАРГА РАПС УРУҒИ ҚАДАЛДИ.



Шу боис, ҳозирги кунда барча ҳудудларда мойли экинлар ҳажмини кескин ошириш, уни етиштиришда замонавий технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар Вазирият Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги "Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида"ги қарориди ва тегишли топшириқларида назарда тутилган. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда 389 минг гектар майдонга мойли экинлар экилиши белги-ланган бўлиб, бу 663,7 минг тонна ҳосил жамғариш имконини беради. Жумладан, асосий майдонларга 125,3 минг гектар, тақририй экин майдонларига 121 минг гектар, лалми ерларга 21,4 минг гектар ва ғўза қатор ораларига 100 минг гектар мойли экинлар экилади. Шундан 139,6 минг гектарига соя, 177 минг гектарига кунгабоқар, 50 минг гектарига кунжут, 5,1 минг гектарига зиғир, 16,3 минг гектарига масхар ва 602 гектарига рапс экилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 6,6 баробар кўп ҳосил олишга эришилди.

Бугунги кунга қадар 192,3 минг гектар асосий майдонга мойли экинлар экилди ва бу борадаги прогноз кўрсаткичи 81,2 фоизга бажарилди. Жумладан, 121,6 минг гектар майдонга соя, 39,2 минг гектарга кунгабоқар, 30,8 минг гектарга кунжут ва 69 минг гектарга рапс уруғи қадалди.

... ВА БОШҚА ИМКОНИЯТЛАР

Маълумки, узум, анор, қовун, тарвуз ва қовоқ уруғидан олинган мойлар ўзининг шифобахлиги билан ажралиб туради. Таркибиди инсон организми учун жуда муҳим бўлган 50 фоизгача ёғ кислоталари мавжудлиги уларнинг бошқа мойларга нисбатан устуңлиги ҳисобланади.

Ўз хусусиятига қўра, ёнғоқ, ерғоқ, ўрик данаги, кунжут, зиғир ва узум уруғидан совуқ усулда пресслаш йўли билан мой олинганда, улар шифобахш ҳисобланиб, рафинациялаш талаб қилинмайди. Бу мойлар органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларга қўра, одатда, рафинацияланмасдан туриб истеъмолга яроқли ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда ушбу



шифобахш мойларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётган бир пайтда юртимизда мазкур соҳага эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.

Маълумотларга қўра, мамлакатимизда йилга ўртача 1,75 миллион тонна узум, 2,16 миллион тонна помидор, 2,88 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 2,76 миллион тонна мева (435 минг тонна ўрик, 74 минг тонна анор ва бошқалар) етиштирилмоқда. Консерва саноатида катта миқдорда иккиламчи хомашё сифатида ишлатиладиган помидор, анор ва узум уруғининг асосий қисмидан қорва ва паррандачилик учун озук эм сифатида фойдаланиб келинади.

— Деҳқонларимиз томонидан ҳар йили ўртача 1 миллион тоннадан ортқк қовун етиштирилади, — дейди "Ўзғойсаноат" уюшмаси матбуот котиби Фахриддин Калоннов. — Қовун вазнининг 3 фоизини уруғ ташкил этишини ҳисобга олсак, уруғлик миқдори 31 минг 680 тоннага тўғри келади ва унинг таркибиди 15 минг 840 тонна (30 фоиз) мой мавжуд. Етиштирилган ҳосилнинг 34,6 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилади. Ундан ҳосил бўладиган уруғ миқдори 1,1 минг тоннани ташкил этади. Қайта ишлаш корхоналаридаги уруғнинг тўлиқ қайта ишланишига эришилса, 330 тонна (30 фоиз) мой тайёрланади. Лекин ҳозирги пайтда асосий хомашё аҳоли истеъмолига қаратилгани боис, ҳар йили 9,5 минг тоннадан ортқк қовун уруғининг мойини олиш имконияти йўқотилмоқда. Агар ташлаб юборилаётган қовун уруғининг 50 фоиз сақлаб қолinsa, ундан 4 075 тонна хомашё олиниши ва қайта ишлашга йўналтирилиши мумкин.

Қовун ёғи хўшбўй таъм ва ҳидга эга бўлиб, салат ва пишириқлар тайёрлашда энг қулай мойлардан, унинг таркибидидаги фойдали моддалар қон-томир касалликларини, асаб тизимини даволашда бебаҳо ҳисобланади. Парфюмерияда соч тўкилишини тўхтатувчи ва терини юмшлатувчи восита сифатида фойдаланилади.

Тарвуз ҳақида гапирганда, шуни айтиш кераки, йиллик ўртача ҳосил 1 миллион 370 минг тоннадан ошади. Вазнининг 5-7 фоизи уруғдан иборатлиги ҳисобга олinsa, жами миқдор 68 минг тоннани ташкил этади. Агар шу миқдорнинг 25 фоизи йғиғи олинганда ҳам ундан 3 060 тонна мой олиш мумкин.

Тарвуз мойи таркибиди А, Е, С ва В витаминлари, макро ва микроэлементлар мавжуд. Таркибиди линол кислотасининг кўплиги сабабли ушбу маҳсулот инсон териси учун фойдали, шунингдек, асаб ва қон-томир тизимларидаги касалликларини даволашда яхши самара беради, стенокардия ва саратон касалликларининг олдини олишда унинг таркибидидаги антиоксидантлар муҳим омил ҳисобланади.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, уларнинг уруғини исроф қилмай йғиғи олиш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш катта даромад келтиради.

Заминимизнинг бошқа неъматлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Масалан, 52 290 тоннани ташкил этадиган узум уруғининг атиги 10 фоизи қайта ишланса, 941 тонна мой, 4 400 тоннадан ортқк кунжара олса бўлади.

Узум майдонларига Е витамини кунгабоқарниқига нисбатан 10 баробар кўп. Бундан ташқари, А витамини, линолен ва линол кислоталари, фойдали моддалар, лецитиннинг кўп миқдорда мавжудлиги бу майдон вирусга қарши восита сифатида самарали фойдаланиш имконини беради.

Қовоқ уруғининг умумий миқдори 21,9 минг тонна. Афсуски, ушбу қимматли хомашёнинг асосий қисми ташлаб юборилади. Унинг таркибидида линолен ва линол кислоталари организмдаги холестерин миқдорини камайтиришга ёрдам беради. Биологик фаол модда — фитостероллар онкологик касалликларнинг олдини олади. Антиоксидантлар хужайра мембраналари қаришини секинлаштирилади, организмни ёшартиради, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

Ҳисоб-китобларга қўра, мева данаклари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғи исроф қилинганда, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

Ҳисоб-китобларга қўра, мева данаклари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғи исроф қилинганда, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

Ҳисоб-китобларга қўра, мева данаклари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғи исроф қилинганда, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

Ҳисоб-китобларга қўра, мева данаклари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғи исроф қилинганда, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

Ҳисоб-китобларга қўра, мева данаклари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғи исроф қилинганда, ошқозон ости безининг ишланиши фаоллаштириб, жигар касалликларини даволайди.

ШОЛИЧИЛИК

Рўзимбой ҲАСАН,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бир қарашда бунга ишониб қийин. Негаки, шолининг энг тезпишар Нукус нави маромига етиб пишиши учун камида 110 кун керак. Хоразмда баҳор март ойи охири — апрелнинг биринчи ўн кунлигида бошланиб, октябрь ойи ўрталарида ҳаво кескин совиб, қиров тушиши кўп кузатилади. Демак, оддий деҳқонча ҳисоблаганда ҳам нукусдек тезпишар шоли навидан бир мавсумда икки марта ҳосил олиш мумкин. Бунда баҳорнинг эрта, кузнинг илиқ келишини кутиш, яъни таваккал қилишга тўғри келади. Таваккалчилик эса ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермайди — сарфланган харажатга қўйиб қолиш ҳеч гап эмас.

Вилоят миришкорлари бунинг ҳам йўлини топди. Эндиликда шолини кўчатлаб экиш ва парваришlash орқали ҳеч бир та-



БИР ЙИЛДА — ИККИ ҲОСИЛ

ваккалчиликка асосланмай икки марта ҳосил кўтариш мумкин.

Янгибозор туманида фаолият юратаётган "Хоразм фаҳри" фермер хўжалигида ушбу янгилик тажриба сифатида бошланди.

Аслида, шолини кўчатлаб экиш воҳада бир неча йил аввал бошланган тажриба бўлиб, бу фермерлар ва томорқа эгалари учун катта имкониятлар яратиб берди. Бугундан бўшган майдонларга шоли кўчатлаш ўтган йилларда одатий деҳқончилик тарзига айланди. Натижада бир гектар майдондан 60-70 центнер бугдой ва яна шунча миқдорда шоли етиштирилмоқда. Томорқа эгалари шу заил бир йилга етадиган бугдой ва шоли оляпти.

Янгиликнинг аҳамияти томони шундаки, эрта баҳорда экилган ниҳоллар май ойи бошларида далага кўчатлаб ўтказилади. Камида 30-40 кунлик бўлган шоли кўчатлари ёзнинг ўрталарида пишиб етилади ва ўрнига яна олдиндан тайёрланган шоли ниҳоллари қадалади. Қараб-сизки, октябрь ойи ўрталарида яна бир марта хирмон кўтарилади.

Агар тезпишар шоли навлари бир мавсумда ўртача 60-70 центнер ҳосил беришини ҳисобга олсак, икки бор экилганда бу кўрсаткич камида 130 центнерга етади. Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги "Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил

12 декабрдаги "Шоличиликни баҳарқор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари замонавий технологияларга таянган ҳолда соҳани янада тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сув танқислиги кузатилаётган ҳозирги пайтда соҳага суви тежайдиган технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Янгиликни кенг жорий қилишга бағишланган семинарда қишлоқ хўжалиги ходимлари ва олимлар иштирок этди. Март ойи ўрталарида экилган шоли кўчатлари катта майдонларга Хитойдан келтирилган техникалар ёрдамида қисқа вақтда ўтказилди. Битта

техника 120 нафар одамнинг ишини бажариши ва кўчатни сифатли ўтказиши мумкин. Теп-текис майдонлар бир зумда кўзни қувонтирадиган шолиторларга айланди.

Интенсив шоличилик тизими тамомила янгилик бўлиб, бунда Хитойдан келтирилган шолининг тезпишар тўртта нави, иккита дурагайи илк бор синвадан ўтказилмоқда. Бу навлар нисбатан тезпишар ва ҳосилдор бўлиб, маҳаллий муҳитга мослашиши натижасида хирмон кўтилганидан ҳам юқори бўлиши айтилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида ушбу янгилик 1 200 гектар майдонда синваб кўрилиши режалаштирилган.


Хоразмлик шоликорлар интенсив шоличилик буйича Вьетнам, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Филиппин ва Ҳиндистон каби мамлакатларнинг тажрибасини ўрганапти.

Бу янгилик бошқа ҳудудларга ҳам ёйилишига ҳеч шубҳа йўқ. Бу эса вақти келиб воҳада гурuch етиштириш икки ҳисса ошишига замин яратди. Ширали Хоразм гуручи нафақат ички бозорни таъминлайди, балки хорижга ҳам чиқарилади.

Янгилик бошқа вилоятларга ҳам татбиқ қилинади. Бунинг учун ҳукумат қарори билан етти вилоятда 22 та шоли уруғчилиги хўжалиги ташкил қилинган.

ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИАТЛАРИ



Жалил БОЙКАЛОНОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридagi
Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти
мутахассиси

Рақамли технологиялар ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиийки, бошқа соҳаларда бўлгани сингари рақамли технологияларни солиқ маъмурчилигида жорий этиш ҳам унинг фаолиятини тубдан ўзгартирмоқда. Бу фақат солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки декларацияларни тақдим этишдан тортиб, то солиқларни тўлаш ва маълумотларни сақлаш усулларигача ҳам янгиликлар киритяпти.



Хусусан, тизимда ягона электрон платформани яратиш орқали маълумотларни қиритиш, тўплаш, шакллантириш, таҳлил қилишнинг замонавий услуби йўлга қўйилди. Бунинг натижасида солиқ ҳисоботларини топшириш жараёни 5-7 баробарга қисқарди. Айти кезда 112 гуруҳ ва 1348 товар ва хизматлар синфидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматларнинг ягона электрон таснифлагичи учун веб-портал жорий қилинган. Махсулотлар ва хизматлар идентификация кодлари ёрдамида 900 мингдан ортиқ электрон ҳисоб-фактуралар яратилган.

Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг кенг жорий этилиши солиқ маъмурчилигини яхшилашга олиб келди. Утган йилнинг иккинчи ярми йиллигида ушбу электрон тизим орқали 798,4 триллион сўмлик товар айланмаси солиқ базасига киритилди ёки бу кўрсаткич биринчи ярми йилликка нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Бугунги кунда рақамли технологиялар шиддат билан ривожланиб, ҳар бир соҳада ишлаш замон билан ҳамқадам одимлашни тақозо этмоқда. Масалан, сунъий интеллект технологиясини жорий этиш солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш, фирибгарликнинг олдини олиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва тақдорланувчи жараёнларни автоматлаштириш ҳамда шаффофликни оширишда кўл келади. Катта ҳажмли маълумотлар — Big Data эса солиқ органларига келиб тушадиган катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш, тушулларни янада яхшироқ баҳорат қилиш ҳамда тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ҳужжат алмашинувини яхшилаш имкониятини беради.

**СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА
BIG DATA КЎМАККА
КЕЛМОҚДА**

Маълумот учун artificial intelligence, яъни сунъий ақл — информатиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, компьютер ёки ҳисоблаш машинасининг инсон онги имкониятларига тақлид қилиши, содда қилиб айтганда, сунъий ақл компьютерларни одам каби ўйлаш ва ечим топишга йўналтирилган технология ҳисобланади. Big Data — салмоқли маълумот атамаси кунига 100 гигабайтдан кўп маълумот тушадиган оқимларга нисбатан қўлланиб келинган. Кейинчалик маълумотларнинг кескин кўпайиши оқибатида бу тушунча янада кенг қамров қасб эта бошлади. Ушбу атама одатда терабайт, экзбайт ва петабайтлар даражасида катта ҳажмдаги маълумотларга нисбатан қўлланилади.

Бугунги кунда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, соҳадаги фирибгарликлар ва маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилишнинг ҳозирги ҳолатида миллий ҳамда халқаро даражада бир мунча муаммолар мавжуд. Мисол учун, Солиқ, Адлия Тармоқлари (Tax Justice Network) ташкилотининг 2020 йилги ҳисоботида солиқ фирибгарлиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида дунё давлатлари йилига 427 миллиард АҚШ доллари миқдорига зиён кўрмоқда. Биргина АҚШнинг ўзи ҳар йили солиқ тўлашдан бўйин товлаш туфайли 188,8 миллиард доллар йўқотади. Хитой ва Япониянинг бу борадаги йиллик зарарлари тегишли равишда 66,8 ва 46,9 миллиард долларни ташкил этапти.

Мамлакатимизда солиқ тизимида электрон давлат хизматлари ва ахборот тизимлари орқали маълумотлар базасига тушаётган мурожаатлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлиги сабабли маълумотларни тезкорлик билан таҳлил қилишни тақомиллаштириш кун тартибига чиқмоқда. Давлат солиқ кўмитасининг мавжуд сервер қурилмаларининг хотира ҳажми бугунги кунда 90 фойда банд. Маълумотларни қайта ишлаш маркази қурилмалари эскирганлиги, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат касса машиналари



ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланиган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш учун мавжуд серверлар қуввати етишмаслиги ҳолатлари юзага келиб турибди. Бу борада сунъий ақл ва катта ҳажмли маълумотлар технологияларини жорий этиш кўл келади.

Шу боис, Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, солиқ соҳасида ҳам юридик шахсларнинг солиқ тушулларини таҳлил қилиш, солиқ

тўловларидаги тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллашга алоҳида аҳамият қаратилган.

**ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар соғлиқни сақлаш, транспорт, муҳофа ва миллий хавфсизлик каби соҳаларда сунъий интеллект афзалликларидан фойдаланиб келмоқда. PricewaterhouseCoopers (PwC) консалтинг компанияси тадқиқотлари шунга кўрсатадики, глобал сунъий ақл 2030 йилга келиб, жаҳон иқтисодиётига 15,7 миллиард триллион АҚШ доллари миқдорига ҳисса қўшиши кутилмоқда. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 26 фоизга ўсишига олиб келади.

Хорижда сунъий интеллект технологиясини ўз солиқ тизимида қўллаётган мамлакатлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Дания 2018 йилда солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида қарийб 325 миллион АҚШ доллари зарар кўрган. Мамлакат ҳукумати сунъий ақл воситаларини ўз солиқ тизимига татбиқ этиш натижасида солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг ҳар 100 ҳолатидан 85 тасини муваффақиятли аниқлади. Шунингдек, Ҳиндистон ҳукумати солиқларни тўлашдан бўйин товлаш билан курашиш ва сохта фирмаларни аниқлаш учун сунъий ақл воситасидан фойдаланишга киришган етакчи мамлакатлар қаторида туради.

Негаки, солиқ маъмурчилигига сунъий ақлнинг жорий этилиши бир қатор афзалликларга эга бўлиш имкониятини беради. Жумладан, айти кунда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш идоралари солиқ аудити жараёнида фирибгарликни аниқлашга ҳаракат қилишади. Ҳужжатлар тўпламидан аниқ маълумотларни топиш, бу — пичан ичидан игна қидириш каби заҳматни талаб қилади. Аслида алгоритмлардан фойдаланиб, катта миқдордаги маълумотларда ноодатий ёзувларни аниқлаш оладиган, сунъий ақлни қўллаб-қувватлайдиган тизимларни яратиш мумкин.

Тақрорий вазифаларни автоматлаштириш учун сунъий интеллектни қўллаб-қувватлайдиган роботларнинг қўлланилиши мутахассисларга ҳужжатлар устида ишларни осонлаштирса, шаффофликни ошириш эса, солиққа тортишнинг автоматлаштирилган жараёнида коррупцияни камайтиришга ёрдам беради.

Сунъий интеллект кўмагида автоматлаштирилган компьютерлар солиқ маълумотларини прогноз ва таҳлил қилиш учун сарф-ҳаражатларни камайтиришда ҳам катта имкониятга эга. Бундай маълумотлардан фойдаланиб йиллик ўзгаришларни кузатиб бориш ва маблағларни тежаш мумкин.

Рақамли технологиялар тараққий этган эсрада энг муҳим омил, бу — маълумотлар ҳисобланади. Уларни тўплаб, ўрганишлар асосида ҳулосалар чиқаришда Big Data технологиясининг аҳамияти катта. Ундан кўпинча салмоқли маълумотларнинг прогнози таҳлилларига ёки маълумотлардан қиймат чиқариб олишнинг бошқа усулларига мурожаат қилишда ҳам фойдаланилади. Big Data технологияларидан олинadиган даромадлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. У 2019 йилда 189,1 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 274,3 миллиард долларга етиши кутилмоқда. АҚШ, Австралия каби мамлакатларда катта ҳажмли маълумотлар технологияларини ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Австралининг дастури — “Smarter Data” ақлли маълумотлар деб номланади. У хатарларни баҳолаш, таҳлил қилиш, солиқ тўловчиларнинг доимий равишда янгилашиб турадиган профилларини яратиш, маълумотлардан турли мақсадларда фойдаланишни автоматлаштириш, шунингдек, таҳлил жараёнлари учун катта ҳажмли маълумотларни тақдим этишига асосланган. Мазкур технология Блокчейн технологияси билан биргаликда қўлланилганда катта миқдордаги операцияларни бажариш, ҚҚСни (манфий суммасини) қайтариш ва трансегаравий операцияларни кузатиш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига асосан, 2022 йилнинг май ойига бориб солиқ соҳасида юридик шахсларнинг солиқ тушулларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва тажриба-синов лойиҳасини жорий этиш белгиланган. 2023 йилнинг июнига бориб эса, катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини бериши “Big Data” технологияларини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Маълумотларга кўра, 2015-2016 йилларда Молия вазирлигининг газначилик департаменти ва Давлат солиқ кўмитаси билан ҳамкорликда бюджетдан ташқари маблағларни тўғридан-тўғри Молия вазирлиги газначилигига туширишни йўлга қўйиш мақсадида маълумотлар маркази серверларининг бир қисми янгиланган, бироқ мазкур электрон қурилмалар бугунги кунга келиб анча эскирган.

Назаримизда, мамлакатимизда солиқ тизими Big Data технологиясини жорий этиш муддатларини жадаллаштириш зарур. Агар у блокчейн технологияси билан биргаликда қўлланса, тизим серверларида зўриқишлар юзага келиши камайтириш ҳамда маълумотларни узатиш тезлашади. Чунки блокчейн маълумотларни серверларда эмас, тармоқ бўйлаб сақлайди.

Президентимиз қарорига кўра, жорий йилнинг 1 мартдан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридagi Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтининг ташкил қилиниши “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш, мазкур йўналишда фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотларни олиб боришдаги аҳамияти катта бўлади.

Шу билан биргаликда, рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши ва соҳанинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ошиши олий таълим муассасаларида “Солиқ ва рақамли технологиялар” бўйича алоҳида ўқув йўналишини ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу, энг аввало, тизимнинг салоҳиятли кадрлар билан таъминлашига янада кенг йўл очади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибдики, сунъий ақл ва Big Data технологиялари нанки солиқ идоралари ишини жадаллаштиришга, шу билан бирга, “электрон ҳукумат” фаолияти самарадорлигининг ошиши ҳамда мамлакатда “рақамли иқтисодиёт”нинг ривожланишига ва, энг муҳими, яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга ёрдам беради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МАКТАБ ОСТОНАСИДАН
БОШЛАНАДИ

КАСБИМДАН ҚАДР ТОПДИМ



Файзихон ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

Давлатимиз раҳбарининг:

6. Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим. Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур”,

деган сўзлари мени доим тўлқинлантиради.



1976 йилдан буён Наманган вилояти Норин туманининг Тошлоқ қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаман. Шунча вақт давомида фақат бир жойда, бир жамоада меҳнат қилдим, қадр топдим. Касбимни жуда яхши кўраман. Мустақилликнинг илк йилларида “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловининг вилоят босқичида фахрли ўринни олдим. Турли тадбирлар, семинарларда фаол қатнашдим, тажрибам оммалаштирилди. Беш йил “Маҳорат мактаби”ни бошқардим, ёш ҳамкасбларимга биланларимни ўргатдим. Вилоят халқ таълими бошқармаси услубий кенгаши аъзосиман.

Таълим-тарбиямни олган кўплаб шогирдларим жамиятда ўз ўрнига эга, давлат ва халқ хизматида. “Халқ таълими аълочиси” бўлдим, давлат мукофоти — “Шухрат” медали билан тақдирландим. 2020 йилнинг 1 октябрь санаси арафасида эса Президентимиз фармони билан “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси” фахрий унвонига муносиб кўрилдим.

Булари нима учун гапиряпман? Айтмоқчиманки, чечка қишлоқдаги оддий бир муаллим шунчалик эътироф ва иззатда. Таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратаётгани учун Президентимиздан чексиз миннатдорман. Давлатимиз раҳбарининг

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади!” деган ҳикматли сўзлари қулогимга ўрнашиб қолган. Рост-да, фарзандларимиз бежиз ниҳолга қиёсланмайди. Кўзи қора, юраги оқ дилбандларимизга ўз меҳримиз, билимимиз ва фазилатларимизни берсак, ёшлигидан чиройли парваришласак, келажакда қомил инсон бўлиб вояга етади.

Турмуш ўртоғим Абдумалик Исомиддинов ҳам ўқитувчи. Шу билим даргоҳида ҳаётимиз давомида ҳамроҳ бўлиб, елкама-елка ишладик, у киши ҳар қандай вазиятда мени қўллаб-қувватлаб турди. Бизга ҳавас қилиб, икки қизим ва икки келиним касбимизни тутди. Очиғи, бахтли аёлман ва ўқитувчи эканимдан фخرланаман!

Яна бир гап. Мамлакатимиз раҳбари педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида ҳамisha қайғуради. Ўқитувчи, мураббий ва услубчилар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Яъни бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жағғармаларига 2021 йилда 330 миллиард сўм йўналтирилган.

Муаллимлар шу пайтгача ҳар 5 йилда малака оширарди. Энди улар ҳаёти давомида ўз малакасини узлуksиз ошириб бориши йўлга қўйилади. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта қўриб чиқилди. Ўқув дарслиқлари ва дастурлари ҳам тақомиллаштирилди. Янги ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига илғор хорижий тажриба асосида

болага ортиқча юклама бермай-диган миллий ўқув дастури жорий этилади.

Дарвоқе, мактабимиз битирувчиларининг 42 нафари ўтган йили олий ўқув юрти талабасига айланди, уларнинг 20 нафари мени ўқитган йигит-қизлар. Ушбу натижа билан мактабимиз туман рейтингидида биринчи ўринни эгаллади.

Шахсан ўзим олий тоифали ўқитувчи сифатида 35-40 фойза устам оламан. Бу эса, албатта, мени доимо руҳлантиради, ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди. Хуллас, ўқитувчи ўз вақтида ишлаши, дам олиши ва рағбатлантирилиши кераклиги ҳаётий зарурат.

Агар ўқитувчи ўқувчисини ўз фарзандикдек қабул қилса, борини уларга улашса, болаларни таълимга қизиқтирса, саломатлик ва маънавият машғулотларини қучайтирса, тинмай изланса, фидойилик билан мактабни ҳаётининг ажралмас бўлағи деб ҳисобласа, олдида кўйган мақсадига албатта эришади. Энг аввало, ота-оналар билан муштаҳам алоқа ўрнатиш, дўстона муносабатда бўлиш кўнгилдагидек самара беради.

Ҳа, Президентимиз бот-бот таъкидлаганидек, катталарнинг билими ва тажрибасини ёшлардаги ғайрат-шижоат билан бирлаштириб оласак, марра бизники. Зеро, янги Ўзбекистонни биз ёшлар билан юксалтирамиз!

БОҚИЙ МЕРОС

“ХАМСА”НИНГ ҚЎҚОНДА ҚЎЧИРИЛГАН ИЛК НУСХАСИ

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ, Гафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи мудир, филология фанлари номзоди



ми билан асарни китобат қилишга киришганини таъкидлайди.

Китобатни ҳукм этди мани хастага, Ғарибу ҳазину мўри шикастага. Вағарна йўқ эрди муносиб хатим, Китобат қилурга салоҳиятиям. Улусини орасида машҳурдур, Ки: “Албатта, маъмур — маъзурдур”.

Котиб ўзининг “Хамса”ни китобат қилиш жараёнини бундай баён қилади:

Вақти таъриҳига бу сабаб келиб, Эшиттим ажаб вақту давлат келиб. Эшитсун бу сўзни амири жаҳон, Неча вақт бўлдум қўздан ниҳон. Юруб мунда танҳо риъзатда ман, Кечиккан сабабдин хижолатдаман. Азиз жон муборак юзин соғинур, Кўнаул мурги кўрмакка қўб толфинур. Танум турфа ожиз, юкумдур оғир, Кўюб бўлди бирён юраю бағир. Бориб ёнғуча бўлмайин монда, Азиз тут мани, қилмағил ронда.

Хуллас, котиб не-не машаққатлар билан бу асарни китобат қилиб, Амир Умархонга тақдим этди ва ўз меҳнати эътиборга олинишидан умидвор бўлади. Сўнгги байтда эса асарнинг ёзиб тугатилиш тарихи қуйидагича келтирилади:

Савол этсангиз битмагин, эй ахий, Минг икки юз бисту шаш — тарихи.

Демак, ушбу “Хамса” китобати ҳижрий 1226 йилда тугалланган. Бунинг милодий йил ҳисобига айлангирсақ, 1811 йил ҳосил бўлади. Демак, Қўқон хонлиги тарихида “Хамса”



илк бор 1811 йилда китобат қилинган. Амир Умархон тахтага ўтиргандан сўнг бири йил ўтиб, Алишер Навоийнинг шоҳ асарини китобат қилишга фармон бергани унинг улғу мутафаккирга юксак эҳтиромидан далолатдир. Гарчи ушбу қўлёзма безаксиз бўлса-да, “Хамса”нинг матни тўлиқ, бекамму қўст берилган. Қўқон хонлигида кейин ҳам Навоий “Хамса”сини китобат қилишдек эзгу анъана давом этган. Натижада унинг кўплаб муҳташам ва музайян нусхалари вужудга келди. “Хамса”нинг 1824 йилда Қўқонда мулло Рўзйобий котиб томонидан қўчирилган муътабар нусхаси ана шундай қўлёзмалардан. Ушбу қўлёзмада “Хамса” дostonларига ишланган 39 та миниатюра мавжуд. Бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Муҳаммадҷон Халиловнинг “Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи” китобида ҳам батафсил маълумот берилган.

XVII асрда Қўқон хонлиги ҳудудида вужудга келган қозғарлик қорхоналари ишлаб чиқарган сифатли Қўқон қоғози бу ҳудудда китобат санъатининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлди. Натижада кўплаб бебаҳо асарлар китобат қилиниб, китобхонлар мулкига айланди. Айни пайтда Гафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи хазинасида ана шундай ноёб қўлёзмаларнинг икки миндан ортиги сақланмоқда. Улар орасида Алишер Навоий асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари алоҳида ўрин тутади.

Хусусан, бу ерда буюк мутафаккир асарларининг 41 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Чунончи, терма девонларнинг ўн еттита, “Хамса”нинг саккизта, “Лисон ут-тайр”нинг иккита, “Арбаъин”нинг тўртта, “Бадоеъ ул-бидоя” дебначасининг битта, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг тўртта, “Вақфия”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насоийм ул-муҳаббат”, “Сабаъи сайёр”нинг биттадан қўлёзма нусхаси мавжуд. Бу қўлёзмалар 1765-1916 йиллар давомида Қўқон хонлиги ҳудудида китобат қилинган.

Юқорида тилга олинган “Хамса”нинг саккизта қўлёзма нусхаси орасида 468-рақамли қўлёзма алоҳида эътиборга молик. Бу қўлёзманинг умумий ҳажми 300 арақ (600 саҳифа) бўлиб, “Хамса” таркибидеги дostonлар матни унинг ҳар саҳифасига тўрт устундан қилиб жойлаштирилган. Асар тугагандан сўнг 300 — арақда “Хамса”ни қўчирган котиб томонидан 13 байтдан иборат маснавий шаклидаги шеър илова қилинган. Мазкур маснавийда ушбу қўлёзма-нинг қўчирилиши сабаби ва санаси билан боғлиқ муҳим маълумотлар берилган.

Маснавийнинг дастлабки байтларида котиб Қўқон хони Амир Умархон (1787-1822)ни сахий, жасур, “жаҳон амири”, “шер овловчи паҳлавон” дея таърифлаб, қуйидагиларни ёзди:

Қўёшдек жаҳон аҳлига дурфишон, Ҳамул бахту давлат била таъъомон. Ики дунёда қомрон бўлғай ул, Халойиқ узра ҳукмрон бўлғай ул.

Кейинги байтларда котиб Амир Умархон унга “Хамса”ни китобат қилишни буюрганини, гарчи ҳусниҳати мақтагудек бўлмаса-да, шоҳнинг ҳук-

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА

ЭСТРАДАМИЗ ЭРТАСИ УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Гулшаной ТУРСУНОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

Ўзбек эстрада ижрочилиқ санъатининг жаҳон миқёсида муносиб ва бетакрор ўрин эгаллашида Ботир Зокировнинг улкан ҳиссаси бор. Ижодкор биринчилар қаторида эстрада қўшиқларининг миллий қиёфасини яратишда ўзининг бетакрор йўлини инкишоф қилишга интилади. Йиллар давомида хонанда репертуарида ҳинд, эрон, озарбайжон, араб, афғон, тожик тилларидаги қўшиқлар кўпайиб борар экан, уларни талқин қилиш борасида миллий эстраданинг қиёфаси, ижро услуби ҳақида бош қотиради.

Ўз вақтида хонанданинг ижро услуби ҳақида муסיқашунос Г.Амбарҷумова қуйидаги сатрларни ёзган эди: “Хонанда, энг аввало, қўшиқни тўри талқин этиб, ундаги пинҳон теран ҳиссиёт мазмунини тингловчиларга етказиб бериш маҳоратига эга. Ботир Зокиров бунинг бирор ортиқча имо-ишорасиз, зоҳиран тежамкор ҳиссиёт ва камтарингича саҳна ҳаракатлари орқали, ягона интонацион тўлиқда қўшиқни театрлаштира олган”. Дарҳақиқат, хонанда репертуаридан ўрин олган ҳар бир қўшиқ қалбдан ҳис этилиб, дардли овоз орқали самимий ва ёрқин ифодасини топади.

Ботир Зокиров билан ижод жараёнида бевосита мулоқотда бўлган бир қатор композиторлар, хусусан, И.Ақбаров ва Э.Солиҳов хонанданинг ижро этган қўшиқлари устида қай даражада заҳмат билан ишлагани ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтади.

Қўшиқ тўғилишидан тортиб, то томошабинга тақдим этилишига қадар, грампластинка ёки магнит тасмасига ёзиб олинган, унинг талқини бўйича шахсий таҳлил жараёни давом эттирилиб, қиёмага етказиш учун қилинган ҳаракатлар, уй-фикрлар хонанданинг кундалиқларида ҳам муҳрланиб қолган: “Мана, яна Москвада



Иқром Ақбаровнинг иккита қўшиғини ёзямиз. Бири — мен учун Туроб Тула шеърига ёзилган, бироқ бошқа хонанда томонидан ижро этилган эски қўшиқ, иккинчиси эса қоғоз гул ҳақидаги қўшиқдир. У жуда оддий ва уни тезда ёзиб олдик. Биринчисини эса ёзишга ботина олмадим. Иқром билан кундузи бўлиб ўтган репетицияда бир даҳшатли нарсани тушундим. Қўшиқни эсдан чиқараёзимман, яъни унинг нафосатини ҳис эта олмадим, уни сеза олмадим. У қачонлардир бўлганидек мени хаяжонлантириб, кўнглимни ундамаяпти. Қандай қилиб бунинг қайтариш мумкин? Уни ёзиш зарур. Лекин дастурдан ўрин олгани учунгина эмас, балки кўп нарсалар у билан боғлиқлиги учун. Қўшиқни қайтадан тиклаб, унга янги ҳаёт бахш этиш зарур. У орқали гўё ижодим тўсқинликларини енгганим каби қайтадан тугилиб, ўраб турган гумон ва ваҳималардан қутулган, ўз-ўзимга ишонч ҳосил қиламан...

Қўшиқнинг репетицияси яхши ўтмади. Ёзиш зарур. Жуда қўриқиб, асабийлашяман. Қўшиқни қандай айтиш лозим? Ҳар бир товуш, куй жумласини тинглаб, шундаймикан, деб бош қотираман. Атрофдаги барча нарсалар, муҳими эса шаҳсан ўзим қўшиққа ҳалақит бердим. Қўшиқ фақат сеники бўлиши учун нима қилиш зарур? Ижроимдан қониқмаган ҳолда, одамлар учун

муҳим ва керакли иш қилаётганимни идрок этиш учун нима қилиш лозим? Қўшиқ қандай бўлиши керак?”.

1966 йили Москва “мюзик-холл”и билан Парижга қилган иккитан сафари хонанда учун ёрқин хотираларга айланди. У Парижнинг жаҳонга машҳур “Олимпия” эстрада театри саҳнасида қўшиқлар ижро этиб, катта шухрат қозонди.

Франциядаги гастролларда эса нозиктаъб французларни ўзбек, рус, араб, эрон ашулалари қаторида Франциялик машҳур композиторлар қўшиқлари билан ҳам мафтун этди. Францияликлар Б.Зокировни “Ўзбек шансоньеси” деб атагани бежиз эмас.

1966 йили Москва “мюзик-холл”и билан Парижга қилган иккитан сафари хонанда учун ёрқин хотираларга айланди. У Парижнинг жаҳонга машҳур “Олимпия” эстрада театри саҳнасида қўшиқлар ижро этиб, катта шухрат қозонди.

Ботир Зокиров ижро услуби, аввало, юксак дид ва бадий маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаси назаридан тингловчилар эътиборини ўзига қаратади. Хусусан, бу жиҳат ижро жараёнида асардаги талайгина муסיқий воситаларни ўз ўрнида ишлата билиш маҳорати ҳам кўзга ташланади. Булар — нафас олиш, ритмик агогика, мазмуний акцентлар, садолантириш ва тўлқинлаштириш, паузалар, тембр бўёқлари каби ифода воситаларини танлаб ишлатишда яққол кўринади. Хонанда талқинида нозик ва майин садолар овозини сайқаллаштириш, юргизиш усули, қолаверса, тембр эффеқтларидан моҳирона фойдаланиш орқали куйга садовий рангинлик хусусиятини бахш этди. Қўшиқларнинг дастлабки жумлалари куйчан-лирик тараннум этилса, яқуний қисмлар мафтункор тарзда ижро этилади. Ботир Зокиров қўшиқнинг ҳар бир ибораси, интонацияси ва катта тузилмаларига ўзгача бадий сайқал беради.

Композитор Иқром Ақбаров таъкидлаганди: “Ботир Зокиров бўлмаганида, менинг “Раъно”, “Газли”, “Ёр, кел”, “Маҳбубга” каби қўшиқларим ҳам бўлмасди. Унинг дилбар хониши орқали ҳар бир қўшиқ ўзгача бўлиб қолди. Унинг вафотидан сўнг мен бошқа қўшиқ эзмадим. Чунки ўзимдек маҳоратли ижрочи, қўшиқ маромига етмагунича ишлашдан чарчамайдиган хонандани бошқа учратмадим”.

Ботир Зокиров ижро услуби, аввало, юксак дид ва бадий маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаси назаридан тингловчилар эътиборини ўзига қаратади. Хусусан, бу жиҳат ижро жараёнида асардаги талайгина муסיқий воситаларни ўз ўрнида ишлата билиш маҳорати ҳам кўзга ташланади. Булар — нафас олиш, ритмик агогика, мазмуний акцентлар, садолантириш ва тўлқинлаштириш, паузалар, тембр бўёқлари каби ифода воситаларини танлаб ишлатишда яққол кўринади. Хонанда талқинида нозик ва майин садолар овозини сайқаллаштириш, юргизиш усули, қолаверса, тембр эффеқтларидан моҳирона фойдаланиш орқали куйга садовий рангинлик хусусиятини бахш этди. Қўшиқларнинг дастлабки жумлалари куйчан-лирик тараннум этилса, яқуний қисмлар мафтункор тарзда ижро этилади. Ботир Зокиров қўшиқнинг ҳар бир ибораси, интонацияси ва катта тузилмаларига ўзгача бадий сайқал беради.

Композитор Иқром Ақбаров таъкидлаганди: “Ботир Зокиров бўлмаганида, менинг “Раъно”, “Газли”, “Ёр, кел”, “Маҳбубга” каби қўшиқларим ҳам бўлмасди.

ди. Унинг дилбар хониши орқали ҳар бир қўшиқ ўзгача бўлиб қолди. Унинг вафотидан сўнг мен бошқа қўшиқ эзмадим. Чунки унингдек маҳоратли ижрочи, қўшиқ маромига етмагунича ишлашдан чарчамай-диган хонандани бошқа учратмадим”.

Композитор томонидан симфоник оркестр учун қайта ишланган “Эй, сарбон” афғон қўшиғини Ботир Зокиров иккинчи оғир операциядан сўнг ижро этиб, овоз тасмасига туширган:

Эй сарбон, оҳиста юр, оромижоним борадур, Тандан дилу жоним олиб, ул диллистоним борадур. Қолурму мен олис бўлиб, бечораю маъёо бўлиб, Қалбим фиरोқ тиги тилиб, то устухоним борадур. Эй сарбон, оҳиста юр, оромижоним борадур ...

Ушбу қўшиқ кўплаб таниқли хонандалар репертуаридан ўрин олган бўлса-да, Ботир Зокиров ижросида янгилик йўналиш, ўзгача талқинда тараннум этилган. Сарбоннинг оҳиста тебраниб кетаётган ҳаракати оркестрда ритм гуруҳининг ўзгача усул-суръати орқали ифодаланади ва асар характериға ўз таъсирини ўтказди. Фигон, ҳижрон дардни акс эттирувчи гамгин ва маъёо оҳанглар хонанда ижросида ёруғ, кўтаринки кайфиятда хиргойи қилинган. Унинг майин, ширали ва жозибадор овозидаги тембр бўёқларида отаси Карим Зокиров овозининг баъзи жиҳатлариға монандлиқни илғаб олишимиз мумкин. Ушбу асар хонанданинг “Олтин фонди”дан ўрин олиб, бетакрор, мафтункор қўшиқлар сарасига айланди.

Ботир Зокиров Ўзбекистон эстрада-симфоник оркестри билан ишлаган пайтда нафақат эстрада жанридаги асарлар, балки таниқли ўзбек композиторлари қаламига мансуб мумтоз қўшиқ ва романсларни ҳам маромига етказиб қўйилган. Мутал Бурҳоновнинг “Мафтун бўлдим” (номдош фильмдаги) қўшиғи ва “Намедонам, қил ном дорад” романси, Сайфи Жалилнинг “Мажнун монологи”, “Кечалар юлдуз санаб” вокал асарлари шулар жумласидандир.

Хонанда репертуаридан ўрин олган турли халқлар қўшиқларининг аксарият қисми оригинал (ҳинд, эрон, тожик, араб, украин, италян, югослав, рус, француз) тилларда ижро этилган. Буларнинг барчаси Ботир Зокиров талқинларининг ҳақиқатан байналмилал моҳиятидан далолат бериб, хонанданинг нафақат Ўзбекистон, балки умумжаҳон муסיқа маданиятида тутган мавқени аниқ белгилайди.

Хонанда ижро услубини такомиллаштириш, чуқурлаштириш ва оригиналлаштириш борасида ҳаммиша изланишда бўлган. Хусусан, Ўзбекистон эстрада жанрида илк бор вокал қавратетини ташкил қилиш ҳақида унинг кундалиқларида қуйидаги қайдларни учратамиз: “Яна бир муваффақият! Бугунги кун эстрада қўшиғини бойитишда илк бор ўзбек қўшиғини вокал қавратети ижро этди. Бу биринчи қавратет қўшиғини биз яратдик. Бу, эҳтимол, ўзбек эстрадасида янги жанрни ўзлаштиришда кичик қадамдир. Ахир, катта дарёлар ҳам кичик ирмоқлардан бошланади-ку!”.

Демак, ҳеч бир мулоҳазасиз таъкидлаш зарурки, Ботир Зокиров ўзига хос ижро услуби ва маҳорати билан ўзбек эстрада қўшиқчилиқ мактабига асос солди. Бугун замонавий ўзбек муסיқий эстрадасида ранг-баранг йўналиш ва услублар мавжудлиғига қарамай, Ботир Зокировдек буюк санъаткорнинг бу соҳадаги дастлабки ютуқлари, муסיқий ижро ва талқин борасида ўз олдига қўйган оқори талаблари ёш эстрада ижодкорлари учун ибрат мактабига айланиб, уларнинг профессионаллиғига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1568. 79242 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусаҳҳи: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбучтичлар кўчаси, 32-уй ЎзА яқуни — 00:25 Тошириқли — 01:45